



2013 йил 12 сентябрь, пайшанба, 37 (513)-сон

XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган. e-mail: axborotXiasr@yahoo.com, web sayti: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Жамоатчилик ва депутатлик назорати кучайтириляпти

3 ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИДА



Сафимиз ёшлар ҳисобига кенгаймоқда

5 ҚҮЙИ БЎҒИНЛАРДА



Қалтис хато

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

«BOEING» ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАНОТ ЁЗМОҚДА



«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси паркига яна битта «Boeing-767» русумли самолёт кўшилди. МАК матбуот хизматининг хабар беришича, бу «Boeing» компанияси ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ўртасида тўртта «B-767-300ER» ва иккита «B-787 Dreamliner» русумли самолётларни етказиб бериш бўйича имзоланган шартномага мувофиқ келтирилган тўртинчи ҳаво кемасидир. Мамлакатимиз фуқаро авиациясида биринчи «Boeing» хизмат кўрсата бошлаганига эса ҳадемай 17 йил тўлади.

КҮТНИНГ, «ОЛТИН АЖДАҲО» КЕЛАДИ

«Ўзбекитуризм» МК вакиллари билан учрашган Хитойнинг автобус ишлаб чиқарувчи «Golden Dragon» компаниясининг савдо бўйича директори Бао Хонг Куан Ўзбекистонда Европа талабларига жавоб берадиган автобусларни йиғиш мажмуасини барпо этиш, кейинчалик уларни МДҲ давлатларига экспорт қилиш «Golden Dragon»нинг стратегик мақсадларидан бири эканини таъкидлади. Мазкур учрашувда Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ижросини таъминлаш бўйича ҳудудни сайёҳлик автобуслари, жумладан, микроавтобуслар билан таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди. ХХРнинг Сямин шаҳрида жойлашган «Golden Dragon» компанияси айти пайтда йилга 40 минг донадан ортиқ катта, ўрта ва кичик ҳажмли автобуслар ишлаб чиқариб, Россия, Таиланд, Миср, Сингапур ва Финляндия каби давлатларга экспорт қилмоқда.

Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

Ободликнинг олтин қалити

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ҲАМ МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ЎЗГАРИШЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАР РЎЙ БЕРДИ

Амударё устига қурилган «Мискин-Тошсоқа» темир йўли, «Беруший-Урганч» автомобиль йўли кўприклари айни пайтда қўхна воҳани Ўзбек Миллий автомагистрали билан боғлаб, минг-минглаб фуқаролар узогини яқин қиляпти. «Урганч-Тошкент-Урганч», «Шовот-Тошкент-Шовот» йўловчи поездлари ҳам ҳудуд инфратузилмасини ривожлантиришида муҳим аҳамият

касб этмоқда. «Урганч» халқаро аэропортидан учган лайнерлар эса Осиё ва Европанинг қатор мегаполисларига парвоз қиляпти. Саноат, қишлоқ ҳўжалиги, капитал қурилиш, транспорт, сервис, илм-фан, таълим, тиббиёт, спорт, маданият соҳаларида ҳам изчил ислохотлар амалга оширилади. Бугунга келиб ҳазораспиклар «Дамас» автомашинаси, кўшкўприклар эса вело-

сипед ишлаб чиқаришга тайёрларлик кўраптилар. «Урганчэкскаватор», «Хоразм гиламлари», «ЎзТексШовот», «Коттонтекс», «Коботекс», «Боғотекс», «Мегасфера», «Унихо», «Дариталтекс», «Дариталшоес», «Жиласун» каби йирик корхоналар рақобатбардosh маҳсулотлари билан жаҳон бозоридан муносиб жой эгалламоқда.

3 >>>

Қонунчилик

«Сиёсий тизимни демократлаштириш: кўппартиявийликнинг ривожланиши»

О'ZLiDeP ВА УНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ ТОМОНИДАН ЖОЙЛАРДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН АНА ШУ МАВЗУДАГИ ДАВРА СУҲБАТЛАРИДА «СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ КЕНГ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА


Аниқ режа асосида ташкил этилаётган тадбирлардан кўзда тутилган асосий мақсад парламент қўйи палатасида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинган мазкур қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик, авваламбор, электроратга етказиш ҳамда унинг нормаларини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф-тавсиялар тайёрлашдан ибор-

ратдир. Мамлакат парламенти ва маҳаллий кенгашлардаги О'zLiDeP депутатлари, жойлардаги партия фаоллари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, фермерлар иштирок этган тадбирлар ҳозиргача Бухоро, Қарши ва Самарқанд шаҳарларида очик мулоқот шаклида ўтказилди.

2 >>>

БУТУНГИ СОНДА:

«КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ» ШИОРИ ОСТИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КўЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАР ДАВРИДА ДАВЛАТ ВА ФУҚАРО ЎРТАСИДА МУСТАҲКАМ КўПРИККА АЙЛАНГАН ННТЛАР ВА ОАВ ФАОЛИЯТИ НИҲОЯТДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ.



Ойбек МИРЗАТОВА (ФА) оғлини сўзлай

«Келажак овози - 2013»

ҲОЛБИЛАР САРАЛАНДИ



Қарши шаҳрида «Келажак овози - 2013» Республика кўриқ-танловининг Қашқадарё вилоят босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган танловда архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализовторлик тақлифлари ва техник ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат, бадиий ижод ва публицистика йўналишлари бўйича 43 нафар иқтидорли ёшлар голиб бўлди.

— Танловда «Энергия» яқин тартибдаги лойиҳаси билан иштирок этдим, — дейди Қарши муҳандислик-иқтисодий институтини талабаси, танловнинг рационализовторлик тақлифлари ва техник ишланмалар йўналиши голиби Мирзохид Рустанов. — Лойиҳада кўзда тутилган ускуна бир соатда автоматлаштирилган ҳолда 3-4 тонна сувни иситиш қувватига эга. Бунда инсон соғлиғига салбий таъсир этувчи омиллар инобатга олинган. Ушбу лойиҳани яқин тартибдаги лойиҳалар ва фермер ҳўжаликлари дала шийпонларида кенг қўллаш мумкин. Танлов якунида ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. У.А.

Енгил саноат:

Янги ғоялар, янги ҳамкорлик

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» МИЛЛИЙ КўРГАЗМА КОМПАНИЯСИ ПАВИЛЬОНЛАРИДА «Тўқимачилик УСКУНАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ — САТМЕ 2013» ВА «Тўқимачилик саноати — TEXTILE EXPO UZBEKISTAN 2013» ХАЛҚАРО КўРГАЗМАЛАРИ ОЧИЛДИ

Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Осиё рами» Ўзбекистон модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси кўмагида ПТЕ Uzbekistan халқаро кўргазма компанияси ва ПТЕ компаниялари гуруҳи (Буюк Британия) томонидан ташкил этилди.

Енгил саноат — иқтисодий тизимнинг кўп тармоқли ва инновацион жиҳатдан жозибдор соҳаси-

дир. Бугун ушбу йўналишда энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган 270 дан зиёд тўқимачилик, тикувчилик ва трикотаж корхонасини ўз ичига олган «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси фаолият юритмоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида ушбу соҳага мамлакатимизда еттиштирилган пахта толасини чуқур қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш, янги корхоналар ташкил этиш ва мавжудларини модер-

низация қилиш учун қиймати 1 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ чет эл инвестициясининг жалб этилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони соҳага инвестициялар жалб қилиниши учун кенг имкониятлар эшигини очди.

2 >>>

Эътибор

Замонавий иншоотлар фойдаланишга топширилди

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ ЧЕГАРА ҚўШИНЛАРИНИНГ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИ УЧУН ЯНГИ ЧЕГАРА ПОСТИ МАЖМУАСИ, ТЕРМИЗ ШАҲРИ ВА МУЗРАБОТ ТУМАНИДА БАРЧА ШАРОИТЛАРГА ЭГА УЙ-ЖОЙ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ СПОРТ ИНШООТИ Фойдаланишга топширилди

Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимларда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Маросимда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида ҳарбий қисмларни тубдан реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини мустаҳкам ижтимоий ҳимоя қилиш тизими яратилиб, қулай ижтимо-

ий-маиший шароитга эга ҳарбий шахарчалар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Мард, жасур Вапан ҳимоячиларини уй-жой билан таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастури доирасида амалга оширилаётган бундай улкан ишлар ҳарбий хизматчиларни барча қулайликларга эга замонавий, шинам уй-жой ва бошқа инфратузилма объектлари билан таъминлашда муҳим омил бўлаётгани қайд этилди.

2 >>>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 10 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	▲ 1963.59
1 Англия фунт стерлинги	▲ 3340.19
1 Дания кронаси	▲ 377.13
1 БАА дирҳами	▲ 581.34

1 АКШ доллари	▲ 2135.26
1 Миср фунти	▲ 309.23
1 Исландия кронаси	▲ 17.58
1 Канада доллари	▲ 2054.12

1 Хитой юани	▲ 349.12
1 Малайзия рингити	▲ 644.51
1 Польша злотийси	▲ 658.64
1 СДР	▼ 3221

1 Туркия лираси	▼ 1041.9
1 Швейцария франки	▼ 2274.94
1 ЕВРО	▼ 2813.95
10 Жанубий Корея вони	▲ 19.63

10 Япония иенаси	▼ 214.32
1 Россия рубли	▼ 63.87
1 Украина гривнаси	▲ 267.14

*) Валюта қийматини белгилан чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган

«Сийсий тизимни демократлаштириш: кўппартиявийликнинг ривожланиши»

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ, «XXI asr»

Уч юз нафардан зиёд киши иштирок этган давра суҳбатларида таъкидланганидек, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида сийсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ҳамда институционал тизими яратилиб, айна пайтда изчил ривожланмоқда.

шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланиш, шу мақсадда маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларни ҳал этишда партияларнинг таъсирини янада ошириш лозимлигини таъкидладилар. Зеро, айна пайтда вакиллик органларида O`zLiDePнинг жами 2084 нафар депутати бўлиб, уларнинг 321 нафари вилоят, 1502 на-

ва такомиллаштиришдан иборат. Хусусан, унда партия гуруҳини ташкил этиш тартиби ва шартлари аниқ кўрсатилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида партия гуруҳини ташкил этиш учун депутатларнинг энг кам миқдорини беш нафар этиб белгилаш таклиф этиляпти. Партия гуруҳи ўз ташаббусига биноан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ёки халқ депутатлари

га хизмат қилади. Фермер хўжалиқлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқни жадал ривожлантириш ва ободонлаштириш, аҳоли бандлигини ва фаровонлигини таъминлашда аграр соҳа мулкдорларининг ролини кучайтириш масалалари ҳам депутатлик гуруҳларининг энг долзарб вазифасига айланиши керак, — дейди Самарқанд ви-

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ САЙЛОВЧИЛАР МАНФААТИНИ ИФОДАЛАШНИНГ ЯНАДА САМАРАЛИРОҚ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИГАН ВА ТОБОРА ЧУҚУРЛАШИБ БОРАЁТГАН ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИ МАЗКУР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАШ ЗАРУРАТИНИ ЮЗАГА КЕЛТИРДИ.

фари туман ва 261 нафари шаҳар кенгашларида фаолият кўрсатмоқда.

Хўш, «Сийсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси Регламентига киритилган ўзгаришлар бу жараёни янги босқичга кўтариш баробарида давлат қурилишида парламент ва сийсий партияларнинг роли, уларнинг амалга оширилаётган ислоҳотлар тақдирини учун масъулиятини ҳам ошириди.

Бироқ бугунги давр ва юзага келаётган шароит бундан бундан ҳам кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда сийсий партияларнинг, айниқса, уларнинг ҳудудий ташкилотлари ва маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ўрнини кучайтириш боришни тақозо этмоқда.

Қонунчилик палатасидаги демократик блокка бирлашган фракциялар (O`zLiDeP, «Адолат» СДП ва «Миллий тикланиш» ДП) аъзолари саналган бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан тайёрланган «Сийсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари сийсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига фаол таъсирини таъминлаш учун ташкилий-ҳуқуқий

кенгашнинг ваколатлари муддати тугаганда, партия гуруҳи таркибига кирувчи депутатлар сони уни тузиш учун зарур бўлган миқдордан камайиб кетганда фаолиятини тугатиши мумкин.

Мазкур ҳужжат партия гуруҳларининг ваколатлари ва ҳуқуқларини сезиларли даражада кучайтиришнинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, тегишли вакиллик органлари комиссиялари раислиги, раис ўринбосарлиги ва аъзоларига номзодлар бўйича таклифлар киритиш, муайян ҳудуддаги давлат органи раҳбарининг ҳисоботини сессияда эшитиш ташаббуси билан чиқиш ҳақидаги норма ҳам қонун лойиҳасида ўз аксини топмоқда. Аммо бундай қарор депутатларнинг ярмидан кўли қўллаб-қувватлаган тақдирдагина қабул қилинган ҳисобланади. Мухими, партия гуруҳларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари кенгашига киритилган масалалар бўйича таклифлари албатта кўриб чиқилиши шарт.

Бир сўз билан айтганда, «Сийсий партиялар тўғрисида»ги қонунга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар сийсий партияларнинг, жумладан, O`zLiDePнинг ўз Сайловчи платформаси ва дастурий мақсадларини амалга оширишдаги фаолиятини кучайтириш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг маъсулиятини янада кучайтириш

лоят Фермерлар кенгаши райони Аваз Ҳосилов. — Ана шу масалалар бўйича бутун барча туманлардаги Фермерлар кенгашлари ҳамда кўп тармоқли фермер хўжалиқларининг раҳбарлари билан O`zLiDeP ҳамкорлигида фермерлик ҳаракати сийсий-ижтимоий кучга айлантириш борасидаги ишларда кучайтиришимиз лозим. Бу борда нафақат фракция, балки партиянинг маҳаллий кенгашларидаги депутатлик корпуси ёрдамига таянамиз. «Сийсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари сийсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига фаол таъсирини таъминлаш учун ташкилий-ҳуқуқий

Кези келганда, муҳокама қилинган вилоятлардаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари ўтган даврда қўлай бизнес муҳити, хусусий тадбиркорлар манфаати муҳофазаси ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш билан боғлиқ жами 55 та масалани маҳаллий кенгаш сессияларига киритганини таъкидлаш жоиз. Худудлар кесимида олсак, бу кўрсаткич Бухорода 28, Қашқадарёда 21 ва Самарқандда 6 тани ташкил этади. Энг муҳими, кўп тартибга киритилган масалаларнинг асосий қисми (тегишли равишда 13, 16 ва 3) қўйи вакиллик органлари — туман (шаҳар) кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлари ҳиссасига тўғри келади.

Замонавий иншоотлар фойдаланишга топширилди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Х. МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА мухбири

2009-2013 йилларда юртимизда бир минг беш юздан ортқ чегарачи ва уларнинг оила аъзолари замонавий усулда жиҳозланган янги уй-жой билан таъминланди. МХХ чегара қўшинларида ўттиздан ортқ янги иншоот қурилди. Юздан ортқи тубдан реконструкция қилиниб, ҳарбийлар учун барча замонавий шароит яратилди. Обод турмуш йилининг ўтган даврида Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати чегара қўшинларида хизмат қилаётган ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларига 32 оилга мўлжалланган янги уйнинг қалитлари топширилди. Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами кенг нишонланаётган кунларда янги ҳарбий қисм ҳамда Термиз шаҳрида 10, Музработ туманида 20 хонадонга мўлжалланган замонавий уй-жойнинг фойдаланишга топширилгани ҳам Ватанимиз ҳимоячиларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

— Янги уй замонавийлиги ва ҳарбийлар оиласи учун барча шароитлар яратилгани билан бизга жуда манзур бўлди, — дейди офицер Миршод Абзалов. — Шаҳарчадаги болалар уйингоҳи фарзандларимизнинг энг сезилми масканларидан бирига айланди. Улар бундан қўшниларнинг ўғил-қизлари билан мазмунли ўтказишдан қувончимиз чексиз. Бу борада амалга оширилаётган барча ишлар мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва аҳолининг обод турмушини таъминлаш йўлида олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Жойларда амалга оширилаётган бундай улкан бунёдкорлик ишлари мамлакатимиз мудоаа қудратини янада юксалтириб, юртимиз тинчлиги, чегараларимиз дахлсизлиги ва осойишталигини таъминлаш, қўшинларнинг сифат таркибини тубдан яхшилаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун муносиб турмуш шароити яратиш беришга хизмат қилаётди.

— Янги қурилган спорт иншоотида ёшлар, ҳарбийлар ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ўртасида мини-футбол, баскетбол, волейбол, тош кўтариш ва бошқа спорт турлари бўйича қизиқарли мусобақалар ташкил этилди. Фолиблар Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг қимматбахо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир таниқли санъаткорларнинг концерт дастури билан яқунланди.

Енгул саноат:

Янги ғоялар, янги ҳамкорлик

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Меҳрибон Маметова, Отабек Мирсоатов, ЎЗА



«Ўзбекентилсаноат» давлат акциядорлик компанияси раисининг ўринбосари Ш.Султоновнинг таъкидлашича, айна пайтда юқори сифатли пахта толаси, маалаки мсҳнат ресурслари, ривожланган коммуникация тармоғи, тўқимачилик маҳсулотларини сотиш бўйича минтақавий бозорларнинг мавжудлиги Ўзбекистон тўқимачилик саноатига инвестиция киритишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва маҳсулот турларини кенгайтириш мақсадида 2012-2014 йилларда тикувчилик буюмлари, калава, полотно ишлаб чиқариш учун қиймати 13,4 миллион долларлик етти юздан зиёд ускуна харид қилиш қўзда тутилган.

Саккизинчи бор ўтказилаётган «Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари — САПМЕ 2013» ва ўнинчи «Тўқимачилик саноати — Textile Expo Uzbekistan 2013» халқаро кўргазмаси мамлакатимиз энгил саноатини янада ривожлантириш бўйича истиқболли лойиҳаларни ҳаёта таъбиқ этишда ўз ҳиссасини қўймоқда. Жорий йилги кўргазмада Австрия, Бельгия, Германия, Исроил, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Уммон, Польша каби Европа ва Осиёнинг 22 давлатидан 250 компания ўз экспозициясини намойиш этаётди. Айниқса, кўргазмаларда Ўзбекистон компаниялари фаол қатнашмоқда. Бу эса хорижлик ишлаб чиқарувчиларнинг мамлакатимизга қизиқиши тобора ортаётгани, бозордаги етакчи ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги соғлом рақобат кучайиб бораётгани билан боғлиқдир.

Компаниямиз машинасозлик бозорига ўтган йилдан буён фаолият кўрсатмоқда, — дейди «Rieter Uzbekistan» масъулияти чекланган жамияти бош директори М.Раззоқов. — Лентали, тороқли ва ҳалқали йиғирув машиналарига тўқимачилик корхоналарида талаб катта. Бизнинг вазифамиз эса уларга мазкур сифатли ускуналарни арзон нархларда етказиб беришдир. Шу боис ушбу халқаро кўргазмаларда намойиш этаётган маҳсулотларимиз кўпгина мутахассислар эътиборини тортмоқда. Бинобарин, қўшимча буюртмалар олашимиз, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, «Тўқимачилик саноати — Textile Expo Uzbekistan» кўргазмасининг ўтказилаётган тўқимачилик саноати мутахассислари ўртасида амалий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда, соҳанинг етакчи ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларини унда иштирок этишга жалб қилмоқда. Енгул саноат ҳақидаги тасавурларни кенгайтирмоқда. Кўргазмага нисбатан қизиқли ва талабнинг ортиши эса тўқимачилик ҳамда енгул саноат учун мўлжалланган ускуналар, технология ва материаллар намойиш этилаётган алоҳида экспозиция ташкил этиш зарурлигини тақозо этди. Мазкур кўргазма Марказий Осиё-

да бу борадаги ягона йирик лойиҳа ҳисобланади. Жорий йилда бу ерга ташриф буюрувчилар ва мутахассислар эътиборига кенг турдаги тўқимачилик ускуналари ҳавола этилган. Уларда тўқимачилик машинасозлиги компаниялари экспозицияси катта қизиқиш уйғотмоқда. Бундан ташқари, бу йил Германия, Бельгия ва Жанубий Корея компаниялари илк бор ўз инновация стендлари билан қатнашмоқда.

Айниқса, Германия миллий павильони алоҳида қизиқшига сабаб бўлаётди. Унда иштирок этаётган саккизта компания Савдо кўргазмалари саноати ассоциацияси (AUMA) билан биргаликда мутахассислар ва истеъмолчилар эътиборига бўяш, пардозлаш, тўқиш, лаборатория ва назорат-таҳлил ускуналарини ҳавола этмоқда.

Мамлакатингизда ўтказилаётган тўқимачилик ускуналари ва технологиялари халқаро кўргазмасида иштирок этиш биз учун аниқгина айланган, — дейди «Bruckner» компаниясининг савдо-сотик бўйича менежери А.Фишер (Германия). — Утган йиллар мобайнида Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйди ва қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширди. «Uzbek» ва «Файз-текстиль» компаниялари гуруҳи йирик ҳамкорларимиз ҳисобланади. Биз уларга тайёр тўқимачилик маҳсулотларига яқуний ишлов бериш учун мўлжалланган ускуна етказиб бермоқдамиз.

Форумда Бельгиянинг тўқимачилик саноати учун ускуналар ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси (SYMATEX) ҳам фаол қатнашмоқда. У дунёдаги енгул саноат корхоналарига мазкур давлатда ишлаб чиқарилган янги технологиялар ҳақида ахборот тарқатади. Ушбу йирик тадбирларда ассоциация кўмағида иштирок этаётган тўқимачилик компанияси Ўзбекистон енгул саноати учун зарур тароқли ва жакард технологияларни тақозо этди. Мазкур кўргазма Марказий Осиё-

сўпги ишланмалар, пардозлаш ускуналари, тўқувчилик дастгоҳлари, тўқимачилик корхоналарини назорат қилиш, тўқимачилик саноатини автоматлантириш тизимлари учун бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар намойиш этаётди. Кореянинг тўқимачилик ускуналари соҳасидаги тадқиқотлар институти (КОТМ) кўргазмада беш компания билан илк бор қатнашмоқда. Улар пайпоқ буюмлари, нотўқима материаллар, қайта ишланган хомашёдан тайёрланган техник тола ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш ускуналарини намойиш этмоқда.

Қўйи бўғинларга

«АСЕЛ-ЛАЗЗЕТ»ДАН КЕЛДИМ!»

Қанлиқўл туманида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзолари сони 570 нафардан ошди. Айна пайтда 39 та бошланғич партия ташкилотининг 7 тасига ёшлар, 23 тасига эса аёллар етакчилик қилмоқда. Қўйи бўғин аъзолари туманининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида аҳоли бандлигини таъминлаш жараёнларида фаол иштирок этаётганларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Айниқса, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Собир Бийсенов бошқараётган «Асел-Лаззет» хусусий корхонасида иш олиб бораётган БПТ аъзолари кўпчилик сафдошларимизга ўрнак бўлмоқдалар. Яқинда улар яна бир ташаббус билан чикдилар. Яъни, 13 нафар партия аъзоси қанлиқўллик 13 нафар меҳнат фахрийсининг ҳолидан мунтазам хабар олиб турадиган бўлди.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКДАН ЧЕКСИЗ МИННАТДОРМИЗ



Партиявий лойиҳалардан — амалий натижаларга

«АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ОЛТИ ОЙИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН 1270 ГА ЯҚИН ДАВРА СУҲБАТИ, УЧРАШУВ ВА СЕМИНАР-ТРЕНИНГЛАРДА 76 МИНГДАН ЗИЁД ХОТИН-ҚИЗ ИШТИРОК ЭТДИ

Наргиза КАҲХОРОВА,
«XXI asr»

Хотин-қизларни талбиркорликка кенг жалб этишга қаратилган ана шундай талбирларда асосий эътибор O'zLiDeP дастури, партиянинг Сайловли платформасида белгилаб олинган вазифалар ижросини таъминлашда партиявий лойиҳалардан самарали фойдаланиш масалаларига қаратилди. Зеро биргина «Талбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси доирасида жойларда ўттиздан ортиқ ўқув-семинар ўтказилди. «Оилавий талбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳаси минглаб аёлларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий билимларни ошириши билан бирга уларни талбиркорликка ҳам кенг жалб этиш имконини бераётди. Утган даврда хотин-қизларни бизнес-режа тузишдан тортиб, банк ва солиқ идоралари билан бўладиган мулоқотга тайёрлаган ўқув-семинарларнинг туман ва шаҳар босқичида 207 нафар, вилоят босқичида 1000 нафардан ортиқ гайрат-шижоатли аёл иштирок этди. Талбир давомида талбиркор опа-сингилларимиз томонидан 300 дан ортиқ янги иш ўрни яратилгани алоҳида таъкидланди.

Лойиҳанинг яна бир эътиборли жиҳати, иштирокчиларнинг 290 нафари тижорат банкларининг имтиёзли кредит сертификатини қўлга киритдилар. Йил бошидан бери бизнес лойиҳа эгаларига қарий 2 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

— Ана шу жараёнда талбиркорликка қўл ураётган опа-сингилларимиз ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топиш баробарида O'zLiDePнинг го



ва мақсадлари билан ҳам танишмоқдалар. Бу эса биз учун ниҳоятда муҳим. — дейди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мухлиса Акрамова. — Бўлим хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кучайтириш, сиёсий билимларини ошириш орқали уларни сиёсий жараёнларга янада кенгроқ жалб этиш, бизнес субъектларини эса кредит ресурслари билан таъминлашга кўмак бермоқда. Шу ўринда хусусий талбиркорлик учун яратиб берилган имкониятлар туфайли оилавий бизнесни ташкил этиш ҳаракати кучайганини алоҳида таъкидлаш лозим. «Аёллар қаноти» шундай қўлайликлар асосида юқори технологияларни таллаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил қилишда инновацион лойиҳаларга алоҳида эътибор қарата япти.

— Тикувчилик пехи очин

мақсадида бизнес-режа тузган-дими, — дейди Хонқа туманидаги «Саодат» фермер хўжалиги раҳбари Наргиза Бекжонова. — Лойиҳада голиб чиққач, «Микрокредитбанк»дан 10 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олдим. Ҳозирда Хонқобод шаҳарчасида ташкил этилган тикувчилик цехимда 10 нафар хотин-қиз ишлаяпти. Бугунга келиб эса фермер хўжалигимизни ривожлантириш учун лойиҳа қиймати 50 млн. сўмга тенг бизнес-режа билан қатнашяпман. Мақсадим амалга ошса, яна ўнлаб йигит-қизларни иш билан таъминлашга эришаман.

Юртбошимизнинг «Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган барча режа ва дастурларимиз ва уларни амалга ошириш ҳақида тақрир ва такрор айтишни истардим — ўз олдимизга қўйган эзгу

мақсад-мудда оларимизга етишда мен сиз, азиз аёлларимизни асосий таянчим ва суянчим, энг яқин маслақдошларим деб билганман ва бундан буён ҳам шу фикрда қоламан», деган сўзлари дастурий вазифаларни амалга оширишда талбиркор аёлларга тиргак бўлмоқда.

O'zLiDePнинг ташаббускор аёллари ўз фаолиятини маҳаллалар, ташкилотлар, энг чекка қишлоқлардаги хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий турмуш тарзини ўрганишга йўналтириб, жойларда аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини шакллантиришга интилаётганлиги опа-сингилларимизнинг ижтимоий жараёнлардаги сиёсий истиқболини белгилашда муҳим омил бўлмоқда. Бу эса «Аёллар қаноти» ўз партиявий вазифаларига қатта масъулият билан ёндашаётганлигидан далолат.

ЖИЗЗАХНИНГ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАРИ ФАОЛЛИК КЎРСАТИШЯПТИ



Шўхрат РАҲИМОВ,
«XXI asr»

М а ъ л у м к и . O'zLiDePнинг энг устувор вазифаларидан бири — янги авлод вакилларида иқтисодий кўникмалар, талбиркорлик қобилиятларини ҳосил қилишдан иборатдир. O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими ҳам 2013 йилнинг биринчи ярмида ёшларни кичик бизнес ва хусусий талбиркорликка кенг жалб қилиш борасида самарали ишларни амалга оширди. Хусусан, жорий йилнинг олти ойи давомида ўтказилган жами 33 та талбирда «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба» сингаги партиявий лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти, улардан кўзда тутилган асл мақсадлар кенг тарғиб этилди. Талбирларда 2900 га яқин ёшлар иштирок этгани эса партиявий лойиҳалар ёшлар бошини қовуштиришга хизмат қилаётганини кўрсатапти.

— Биргина «Ишбилармон талаба» стипендияси учун ўтказилган кўрик-танловнинг ўтган йилиги туман (шаҳар) ва вилоят босқичларида академик лицей ва касбхунара коллежларининг 330 нафар талабаси қатнашган бўлса, 2013 йил

да улар сони сезиларли даражада ортди, — дейди Олим Норжигитов. — 2012 йилда «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг туман (шаҳар) ва вилоят босқичлари доирасида ташкил этилган ўқув-семинарларда олий ва ўрта махус таълим муассасаларининг 603 нафар битирувчи талабалари қамраб олинган эди. 2013 йилда бу кўрсаткич 622 нафарга етди. 2013 йилда 66 нафар бизнесрежа муаллифларидан 23 нафарига молия муассасаларидан 98 млн. 840 минг сўм миқдорда кредит олиш учун имконият яратилди. Бу эса, ўз навбатида, 34 та янги иш ўрни яратишига замин яратди.

Истиқлол байрами арафасида ташкил этилган талбирларда эса бутун дунёда эътироф этилган «Ўзбек модели» миллий тараққиётимизнинг тарихий ва замонавий жиҳатлари, умумбашарий ва минтақавий хусусиятлари, халқимизнинг буғуни ва келажагини қўзғаб яратилгани ҳақида атрофлик сўз юритилганини таъкидлаш жоиз.

— Истиқлол қанчадан-қанча машаққат ва қийинчиликлар эвазига қўлга киритилгани, бу — аввало ҳуқуқ экани, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва гуруҳини англаши, истиқлол

туфайлигина юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланаётганлигини барча-барчамиз англаб етмоқдамиз, — дейди Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги академик лицей талабаси Темур Холматов. — Мен «Обод турмуш йили»да O'zLiDeP томонидан ёшларнинг талбиркорлик фаолиятига қизиқишларини кучайтириш, уларга ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида ўтказилаётган партиявий лойиҳаларда иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни эгалладим.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам мустақиллигимизни янада мустақкамлаш, уни кўз қорачиқдай асраш, юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасига эришиш, Ўзбекистонимизни дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтаришдек улғу мақсадларни ўз олдига қўйган ёшлар ҳам айна пайтда бу марраларнинг нақадар масъулиятли эканлигини чуқур ҳис этмоқдалар. Жиззахнинг шижоатли ёшлари ҳам бу жараёнда фаоллик кўрсатишяпти.

Семинар

Фонд ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди

САМАРҚАНДДА «ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ» МАВЗУИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ БЎЛИБ ЎТДИ

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI asr»

Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан уюштирилган талбирда асосий эътибор кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда ННТлар ва ОАВлар ҳамкорлигини кучайтириш, соҳага оид қўнғунчиликни тақомиллаштиришда соҳа вакиллари фаол иштирокини таъминлаш масалаларига қаратилди.

— Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мазкур соҳага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилгани бежиз эмас. — деди талбирда Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг етакчи мутахассиси Мирвоҳид Миркомиллов. — Утган 22 йил давомида бундай саъй-ҳаракатлар қандай натижа берганига барчамиз бирдек гувоҳ бўлиб турибмиз. Шу ўринда Олий Мажлис Қўнғунчилик палатасида қўнғунлар қабул қилиш ва амалдаги қўнғунларни тақомиллаштириш жараёнида соҳа вакиллари

кенг жалб этилаётгани бу жараёни янада тақомиллаштириш имконини берапти.

Бугунги семинарда эса ҳамкасбларимиз, таниқли журналистлар, ННТ вакиллари иштирокида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш борасидаги ишлар ҳам таҳлил этилди.

Ҳа, чиндан ҳам «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жа

мияти сари» шиори остида амални оширилаётган кенг қўламли ислохотлар даврида давлат ва фуқаро ўртасида мустақкам кўприкка айланган ННТлар ва ОАВ фаолияти ниҳоятда муҳим ўрин тутди.

Семинар иштирокчиларининг фикрича, бу жараёнда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик янада кучайтирилиши лозим. Чунки жамиятда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳақидаги тасавурлар шаклланиши, уларнинг жамоатчилик билан алоқалари

ни мустақкамлашда ОАВлар муҳим роль ўйнайди.

Семинарда ННТ ва ОАВларини молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашда ижтимоий шериклик, улар юзасидан жамоатчилик назоратини янада кучайтириш каби мавзуларда тақдиротлар ҳам ўтказилди. Талбир иштирокчилари қўнғунчиликка оид тақлиф ва тавсияларни атрофлик муҳокама қилиб, уларни Олий Мажлис Қўнғунчилик палатасининг тегишли қўмиталарига тақдим этишга қарор қилдилар.

Талбиркорлик

ЎН МИЛЛИОНЛИК МАРРА

Наманган туманидаги «Ziyoung Mohidilbonu» масъулият чекланган жамияти цехларида тайёрланаётган пишиқ гишлар биринчи навбатда қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган турар-жойларни бунёд этиш учун ишлатилапти. — Мамлакатимизда бизнес-режаларни ҳаётга татбиқ этиш, хусусан, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш учун яратилган шароитларни атрофликка ўрганишда чет эллик ҳамкорлар охир-оқибат лойиҳамизни молиялаштиришга қарор қилишди, — дейди МЧЖ вакили Авазхон Самиев. — Хуллас, киритилган 312,2 минг АҚШ долларлик инвестиция ҳисобига хориздан замонавий технология олиб келдик. Айна пайтда корхонамиз йилига 10 миллион донадан зиёд пишиқ гишт ишлаб чиқариш имкониятига эга. Шу пайтга қадар маҳаллий ёшлардан 20 нафарини иш билан таъминлаган бўлсак, йил охиригача улар сони яна 25 нафарга кўпаяди. Вилоят ҳокимлиги матбуот хизматидан хабар қилинишича, 2013 йилнинг ўтган даврида мазкур туманининг ўзида 19 та шунга ўхшаш лойиҳа амалга оширилган бўлиб, 3,5 миллион долларга тенг сармоя ўзлаштирилган. Энг муҳими эса ана шу лойиҳалар туфайли 352 та янги иш ўрни ташкил этилди. Ш.Хужаев тайёрлади.

Оилавий тадбиркорлик

Янги қонун — янги корхона — янги иш ўринлари

ЧУСТ ТУМАНИДАГИ ОЛМОС ҚИШЛОҒИ АҲОЛИСИ «ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНДА ЯРАТИБ БЕРИЛГАН ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНМОҚДА. АЙНИҚСА, ЁШ ОИЛАЛАР ЎРТАСИДА БУ ЙЎНАЛИШГА ҚИЗИҚАЁТГАНЛАР КЎПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТАЯПТИ

Ўз мухбиримиз

— Йил бошида O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши томонидан ўтказилган «Оилавий корхона — мустақкам оила пойдевори» мавзуидаги давра суҳбатига қатнашганим, — дейди ёш талбиркор Мирзохид Суннатуллоев. — Марғулачиларнинг оилавий корхона очини тартиби, қўлайликлари, афзалликлари ва солиқ тўловидаги имтиёзлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини эшитиб, оилавий корхона очини қарор қилдим. Натижада турмуш ўртоси Азиза Умидова, жияним Элмурод, қизим Одинахон билан маслаҳатлашиб, чорвачилик йўналишидаги «Омина Севара» оилавий корхонасини ташкил этдик.

Таъкидлаш жоизки, 4 нафар ишчи-хотимдан иборат янги корхона аъзолари қонунда белгиланганидек, М.Суннатуллоевни раҳбар этиб сайлаган ҳолда таъсис шартномаси тузилди. Ҳар бир ҳодимга меҳнат ва пенсия жамғармаси дафтарчалари очилди. — Оилавий корхонамиз бизга маъ

қул томони шундаки, — дейди «Омина Севара» ҳисобчиси Элмурод Суннатуллоев, — янада солиқ тўлаганимиз ҳолда, оилавий корхонанинг молия-хўжалик фаолияти рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил оралиғида режали текширувлардан ўтказилмайди. Яқинда ОАТБ «Микрокредитбанк» туман филиалидан ҳеч қандай қийинчиликсиз 7 миллион сўм миқдорда кредит олдик. Унинг эвазига 6 бош гунажин ва новвослар харид қилинди. Утган вақт мобайнида 2 бош бузоқ олинди. Сут-қатиқ ҳам оила бюджетига фойда келтира бошладик.

Мирзохид Суннатуллоевнинг таъкидлашича, айна пайтда корхона аъзолари тузилган янги бизнес-режага асосан яна 50 миллион сўм кредит олиб, хориздан зотли сигирлар харид қилиш, сун маҳсулотларини қайта ишловчи минн-пех очини режалаштирмоқдалар. Бу эса 2 нафар ўғил ва 3 нафар жиян учун янги иш ўрни яратишга ҳам имкон беради.

Бир сўз билан айтганда, янги корхона иш бошлаб, янги иш жойлари очилгани янги қонун шарофатидир.

БИР ҲОВУЧ ДУР

- Ягона ва мудҳиш хато аввалги хатонинг тузалмаслигидир.
- Агар Ер юзида ҳамма нарса аъло бўлганда аъло нарсанинг ўзи қолмасди.
- Ёлғиз ўзимизгагина аён хатоларимизни тез унутамиз.



«Ёшлар — порлоқ келажакимиз таянчи». O`zLiDeP Кегейли туман кенгаши ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди. Тадбирда мамлакатимизда навқирон авлод вакиллари учун кенг имкониятлар яратилганлиги таъкидланди, бу борада ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларга эътибор қаратилди.



Қўшқўпир туманида O`zLiDeP бошланғич ташкилотларининг худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шунингдек, партиё дастурий мақсадларини амалга ошириш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди. Тадбирда БПТларнинг маҳаллий кенгашлари билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш, электорат вакиллариининг қонуний манфаатларини ҳимоялаш юзасидан муҳим таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2013 йил 12 сентябрь, пайшанба

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

«ОЙБЕК» ДАН ИБРАТ ОЛИНГ

Каттакўрғон туманида фаолият юритаётган «Ойбек» фермер хўжалигидаги бошланғич партиё ташкилотиде ўтказилган тадбирда мамлакатимиз иқтисодийёгини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, муҳим иш жойларини яратишда фермер хўжаликларининг ўрни ва аҳамияти хусусида атрофлича фикр юритилди. Сўзга чиқанлар кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тармок учун кенг имкониятлар яратилиб, улар фаолиятини иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Айтиш жоизки, бугунги кунда «Ойбек» фермер хўжалигида 20 нафар БПТ аъзоси бўлиб, улар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни кўнгилдагидек бажариш учун кунг ва иштиёк билан меҳнат қилишмоқда.



«УМИД-ИШОНЧ»НИНГ ИШОНЧНИ

Термиз шаҳридаги «Умид-ишонч» ўқув марказида фаолият олиб бораётган бошланғич партиё ташкилоти аъзолари ташаббуси билан «Тадбиркорлик таъминоти ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси доирасида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида хизмат кўрсатиш ва сервиснинг улушини янада ошириш масалалари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ислохотлар юртимизнинг олис ва чекка қишлоқларида ҳам аҳолига хизмат кўрсатиш тизимини тубдан яхшилашга қаратилгани алоҳида таъкидланди. Масалан, жорий йилнинг олти ойида вилоят хусусий секторида хизматлар улуши 53,6 фоизни ташкил этди. Бошқача айтганда аҳолига 931,3 миллиард сўмлик турли хизматлар кўрсатилди.

Мазкур тизимни ривожлантиришда соҳа сирларини мукамал ўргатаётган ўқув марказларининг алоҳида ўрни бор, албатта. Масалан, «Умид-ишонч» ўқув марказида 20 га яқин йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Вилоятнинг турли худудларидан келиб, касб ўрганаётган хотин-қизларга 15 нафар малакали мутахассис билим берапти. — Мустақиллик йиллари ўқув марказимиз томонидан мингга яқин ола-сингилларимизга турли касбларни эгаллаб, ўз бизнесини йўлга қўйишлариға ёрдам кўрсатилди, — дейди «Умид-ишонч» ўқув маркази БПТ раиси ўринбосари Дилфуза Ярмаева. — Биз O`zLiDeP электорати сафларини малакали мутахассислар билан таъминлаш ва ўз фаолиятларини йўлга қўйиш учун барча имкониятлардан фойдаланишимиз. Давра суҳбати якунида иштирокчилар ўқув маркази иш фаолияти билан танишдилар. Фарход ТОШБОЕВ.

«Гала-Ривер» истиқболга юз тутмоқда

АЙНИ ПАЙТДА БУХОРО ТУМАНИДА 2 ТА ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАСИ ВА 2800 ГА ЯҚИН КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТИР. УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ КУНДАН-КУНГА КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА. ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ДАСТЛАБКИ УЧ ОЙИДА ХОРИЖГА ЎТТИЗ МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИ МИҚДОРИДА МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТ ҚИЛИНГАН БЎЛСА, ШУНИНГ ҚАРИЙБ 70 ФОИЗИ АЙНАН КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ҲИССАСИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ

Асхор ИСТАМОВ,
«XXI asr»

Дарҳақиқат, тежамкорлик тамойилига қатъий амал қилиш, сарф-харажатларни камайтириш, замон талабларига мос, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш масаласида хусусий секторда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни тумандаги «Гала-

мутахассис Шерали Толибов етакчилик қилаётир. БПТ аъзолари партиёнинг гоё ва мақсадларидан келиб чиқиб, мафкуравий-сиёсий ишлар таъсирчанлигини оширмоқдалар. Энг асосийси эса иқтисодий имкониятлар кенгайтириш туфайли ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошмоқда. Корхонада ҳар қандай масалага масъулият билан ёндашиш лозимлиги БПТ фаоллари томонидан

O`ZLIDEP УСТАВИДАН

— **БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ПАРТИЯНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ, ПОЙДЕВОРИДИР. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ АҲОЛИНИНГ ТУРЛИ ҚАТЛАМЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН БЕВОСИТА АЛОҚАДА ИШ ЮРИТИШ ВА УЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ИМКОНИГА ЭҒА БЎЛГАН ПАРТИЯНИНГ ҚЎЙИ ТУЗИЛМАСИДИР.**

Ривер» корхонаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Узумни қайта ишлашга иختисослашган мазкур корхона ўз фаолият доирасини тобора кенгайтирмоқда. Айниқса, хорижий технологиялардан унумли фойдаланиш янгидан-янги ютуқларга замин бўлаётир. Мана, бир мисол. Италиянинг «Делла-тоффола спа» компаниясида тайёрланган, янги узум ҳосилини қайта ишлашда қўлланадиган технологик линия фойдаланишга топширилган, корхонада меҳнат жараёни тўлиқ автоматлаштирилди, электр қуввати сарфи 20 фоизга қисқарди.

Таъкидлаш жоизки, бундай салмоқли натижаларга корхонада фаолият олиб бораётган бошланғич партиё ташкилоти фаоллари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Унга малакали

изчил тарғиб этиляпти. БПТнинг тарғиботчилик соҳасидаги фаолиятини корхонанин кўп қиррали ҳаётидан айри тасаввур қилиб бўлмайди, албатта.

Узоққа бормаёлик. Фермер хўжаликлари томонидан корхонага йил сайин кўп узум ҳосили етказиб берилмоқда. Жумладан, 2012 йилда 4760,6 тонна узум қайта ишланиб, 38,6 минг дал (1 дал — 10 литр) қизил сулфасуло (шарбат), 720 тонна узум шинниси тайёрланди. Шу ҳисобдан хорижга 986,6 минг АҚШ доллари миқдориде 597 тонна узум шинни-си, 22 минг дал қизил сулфасуло ёки 104,6 минг АҚШ доллари ҳажмидаги маҳсулот экспорт қилинди.

2013 йилнинг якуний натижалари ҳам кўнгилдагидек бўлиши кутилмоқ-



да. Ҳозиргача 57 та агрофирма ва фермер хўжалигидан жами 6200 тонна узум қабул қилиниб, 840 тонна шинни ва 40 минг дал қизил сулфасуло тайёрланди. Экспортга мўлжалланган маҳсулотлар сифати ва миқдорини ошириш, шунингдек, корхона тасарруфидаги 1,2 гектарлик иссиқхона қурилишини якунлаш, 15 гектар майдонда янги узумзор барпо этиш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.

Ана шу каби хайрли ишларда O`zLiDeP аъзоларининг муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, Шухрат Рамазонов, Марзия Боқиева, Манзура Тўева, Сайфулло Жўраев, Ўткир Шарипов, Маҳмуд Авезов сингари фаоллар партиёвий бурча масъулият билан ёндашиб, кўпчиликка ўрнак бўлишяпти.

— АЙНИ ПАЙТДА ХУДУДИМИЗДА 972 НАФАР АЪЗОНИ БИРЛАШТИРГАН 43 ТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ИШ ОЛИБ БОР-

моқда, — дейди O`zLiDeP туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Саттор Бафоев. — Уларнинг режа ва мақсадлари аниқ. «Гала-Ривер» корхонасидаги БПТ ҳам асосий эътиборни маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишга қаратмоқда. Айниқса, «Галаосиё», Ойбек, «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинлари ўрамидеги таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда ўтказилаётган давра суҳбатлари, жонли мулоқотлар барчада катта таассурот қолдирапти.

Чиндан ҳам шундай. O`zLiDeP аъзолари меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, яқка-ёлғиз кишилар, муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш масаласида ҳам фаол, ташаббускор. Жумладан, ўтган йили ҳомийлик мақсадлари учун 3 миллион сўм маблағ сарфланди. Қолаверса, тумандаги 7-умумтаълим мактаби, шунингдек, Сўфкоргар ҚФЙ худудидаги бир қатор эҳтиёжманд оилалар ҳам беғараз моддий кўмакдан баҳраманд бўлдилар.

Шу маънода, жойларда тез-тез ўтказилаётган маънавий-маърифий, янги қонун лойиҳалари тарғиботига бағишланаётган тадбирлар партиё фаолиятида алоҳида ўрин тутаяётганини таъкидлаш жоиз.

— O`zLiDeP вилоят кенгаши ҳузуридеги «Сиёсий таълим маркази» да ташкил қилинаётган ўқув семинарлар, назарий ва амалий машғулотлар биз — фаолларнинг масъулиятини ошириш, сиёсий дунёқарашини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаёпти, — дейди БПТ етакчиси Ш.Толибов. — Зеро давр билан ҳамқадам бўлиш, электорат манфаатлари йўлида сидқидилдан хизмат қилиш биринчи галдаги бурчимиздир.

Биз юқорида корхонанин иқтисодий имкониятларига бежиз эътибор қаратмадик. Бундай кўрсаткичларга, шубҳасиз, яратиб берилган кўлай шароитлар, солиқ борасидаги имтиёз ва преференциялар натижасида эришилаётир. O`zLiDeP фаоллари эса ана шу жараённинг янада такомиллаштирилиши юзасидан доимо изланишлар олиб бориб, ўз таклиф ва тавсияларини корхона раҳбариятига тақдим этамоқда. Зеро ислохотлар самараси учун, яъни ижобий ўзгариш ва янгиланишлар учун масъулилик БПТ фаолларининг доимий шиоридир.

Бунёдкорлик, бахт ва бурч

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН НАМАНҒАН ВИЛОЯТИДАГИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА «ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!» ШИОРИ ОСТИДА ДАВРА СУҲБАТЛАРИ, УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Комилжон ФАЙЗИЕВ,
O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши Матбуот хизмати раҳбари



Вилоят ирригация тармоқлари бошқармасининг Наманган туман бўлимида иш олиб бораётган БПТда ўтган йиғилишда ҳам эркин ва обод юртда ҳаёт кечириб ҳуқуқини берган истиқлол ҳақида атрофлича сўз юритилди. Қўйи бўғин аъзолари, туман кенгаши депутатлари, партиё фаоллари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари иштирок этган анжуманда O`zLiDeP туман кенгаши раиси ўринбосари Анваржон Абдуллаев сўзга чиқиб, мамлакатимизда, жумладан, туманда истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, айниқса, тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш борасидаги натижалар салмоқли эканини таъкидлади. БПТ раиси Улуғбек

Ҳамроҳўжаев эса фермерликни ривожлантиришда суғориш тизимларининг янги технологияларга ўтаётгани, айниқса, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, томчилагиб суғоришнинг иқтисодий афзалликлари ҳам аграр соҳада изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли амалиётга татбиқ

БПТ аъзоси Мавлуда Деҳқонова мустақиллик йилларида халқнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш бўйича эришилган натижалар ўз-ўзидан қўла киритилмагани, бу энг аввало, мустақилликнинг дастлабки йилларида тўғри танланган йўл, Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилган ислохотлар натижаси эканини ҳаётий мисоллар асосида баён этди. Хусусан, қишлоқларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, намунали уй-жойлар қуриш, аҳоли саломатлигини мустақамлаш, болалар спортини оммалаштириш, йўл ва кўприклар қуриш бўйича амалга оширилган ишлар шулар жумласидандир.

Тадбирда, шунингдек, мустақилликнинг улугъ неъмат экани, бинобарин, истиқлолни янада мустақамлашга муносиб ҳисса қўйиш ҳар бир фуқаро учун муқаддас бурчага айланиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.



САФИМИЗ ЁШЛАР ҲИСОБИГА КЕНГАЙМОҚДА

— дейди O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим бошлиғи Равайн Ғозиев. — Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами кенг ишонланаётган айни кунларда вилоятимизда партиё аъзолари сони 50 нафар, бошланғич партиё ташкилотлари эса 5 тага кўпайди. Эътиборлиси, партиёга қабул қилинаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил этмоқда. Масалан, Бўстонлик туманидаги «Синтез-Медиа» хусусий корхонаси, Қўйи Чирчиқ туманидаги «Ақтай» хусусий савдо корхонаси, Юқори Чирчиқ туман марказий шифохонаси ва туман бандликка кўмаклашиш бўлимидаги қўйи бўғин аъзолари асосан касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртиларни тугатиб, ўз соҳаси бўйича иш бошлаган ёшлардир. Равайн Ғозиевнинг фикрича, «Камолот» мактабини ўтаган бундай фаол йигит-қизлар аҳоли ўртасида истиқлол йиллари мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривож учун яратилган имконият ва имтиёзлар, қўлай ишбилармонлик муҳитининг амалий натижалари хусусида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришда фаолият кўрсатаёптилар. Зийдулла МҲМИНОВ.

Реклама ўрнида



«Asia Alliance bank»ка ишонич мумкин

МАЪЛУМКИ, «ASIA ALLIANCE BANK» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ МАМЛАКАТ МОЛИЯ БОЗОРИДА 2009 ЙИЛДАН БЕРИ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ЮРИТИВ КЕЛМОҚДА

Ақбар МУЗАФФАРОВ, «XXI asr»



Ўтган қисқа давр мобайнида пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш, хизмат сифати ва маданиятини ошириш туфайли ушбу муассасада ҳам салмоқли натижаларга эришилди.

Бу, албатта, тинимсиз изланиш ва катта ташкилотчилик самарасидандир. Айни кунда юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган молиявий хизматлар кўлами тобора кенгаймоқда. Банк фаолияти нуфузли рейтинг агентликлари томонидан юқори баҳоланаётганлиги ҳам бежиз эмас. 2013 йилнинг дастлабки чораги якунларига кўра, «Asia Alliance bank» очиқ акциядорлик-тижорат банкининг кредит рейтингини «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлиги томонидан «Барқарор», дея тан олинди. Шунингдек, «Ahhog Reytling» рейтинг агентлиги ҳам «uzA» даражасидаги миллий шкालага кўра банк кредит фаолиятини «Барқарор», дея эътироф этди. Бундай эътирофлар, шубҳасиз, ақил жамонани янги марралар сари руҳлантирмоқда.

БО ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА БАНК АКТИВЛАРИ 907 МЛРД. СЎМГА ЕТДИ. БУ 2012 ЙИЛНИНГ МОС ДАВРИ БИЛАН СОЛИШТИРГАНДА ДЕЯРЛИ 1,5 БАРОБАРГА КўПДИР. БАНКНИНГ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИ ЭСА 147 МЛРД. СЎМГА ЕТДИ ЭКИ ЎТган ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИГА НИСБАТАН 2,5 БАРОБАРГА КўПАЙДИ.

Маълумки, банк омонатлари бўли пул маблағларини сақлашнинг қулай, ишончли ва сердаромад турларидан биридир. Айни пайтда «Asia Alliance Bank» томонидан юқори фоизли 12 та омонат тури жорий этилган бўлиб, шулардан 5 таси чет эл валютасидаги омонатлардир. 2013 йилнинг дастлабки ярим йиллигида жалб этилган депозитлар ҳажми деярли икки баробарга ошди ва 1 июль ҳолатига 14,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Бундан кўзланган асосий мақсад мижозлар билан бўладиган муносабатларни янада соддаштиришдир. Янгиликнинг моҳияти шундаки, мижоз сейфада қанча маблағ сақлаётганини ундан бошқа ҳеч ким билмайди. Энг муҳими, маълумотларини махфийлиги кафолатланади. Яъни, мижоз банк назоратисиз сейфага ўз бойликларини қўйиш ва олиш ҳуқуқига эга. Индивидуал банк сейфлари алоҳида жиҳозланган, замонавий қўриқлаш ва ёнгиндан сақлаш ускуналари билан таъминланган махсус хоналарга ўрнатилган бўлиб, сейф бўлинмаларидаги моддий бойликларнинг дахисизлиги тўлиқ таъминланади.

Шу ўринда «Asia Alliance bank»нинг молиявий фаолияти активли сифати, тўлов қобилияти ва даромадларнинг юқори даражаси билан аққол ажралиб туришини таъкидлаш мумкин. Шунингдек, тавakkалчилик жараёнини қатъий назорат қилиш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳам доимий эътиборда. Жорий йилнинг биринчи ярмида пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек ва Олмазор туманларида банк филиаллари очилди. Бу эса молия бозорига банкнинг ўрни тобора мустақамланаётгани, хизмат доираси эса кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Истиқлолдан — истиқболга

ШОХИМАРДОНДАГИ ШОДИЁНА
Мустақиллигимизнинг 22 йиллик тантаналари Фарғона вилоятининг энг олис тоғ қишлоғи — Шохимардонда ҳам кўтаринки руҳда нишонланди. — Истиқлол тўйи давом этаётган айни кунларда, — дейди «Шохимардон» ҚФЙ раиси Икромали Абдуқодиров, — 13 нафар ўғил-қизимизнинг турли олий ўқув юртилари талабаси бўлгани қўшалоқ шодиёна бўлди. Халқ сайлига улашиб кетган байрамда спорт ва фан йўналишларида муваффақиятга эришган иштирокчи ўқувчи ёшларга қишлоқ тadbirkorларининг эсдалик совғалари ҳам топширилди.

МФЙ — ЯНГИ БИНОДА

Кўни кеча Ўзбекистон туманидаги «Кичик тегах» маҳалласи аҳолиси яна бир тантана шохиди бўлди. — «Обод турмуш йили» Давлат дастурида маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустақамлашга оид катор чора-таdbirkorлар белгиланган, — дейди МФЙ раиси Нодирхонов Тўйчиева. — Жумладан, Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами нишонланган кўни фойдаланишга топширилган янги бино шу маънода ҳам биз учун муносиб совға бўли. Таъкидлаш керакики, янги бино компьютер жамланмалари, 1 млн. 700 минг сўмлик мебель, ўқув қўлланмалар ва кўргазмалар куроллар билан жиҳозланган.

БИР ҲОВУЧ ДУР

Бир ҳаким бундай деган экан: — Меъёр — табиатнинг иттифоқдоши, соғлиқнинг кўриқчиси. Шунинг учун ичганингизда ҳам, еганингизда ҳам, ҳаракат қилганингизда ҳам, ҳатто ошиқ бўлганингизда ҳам меъёрдан ошманг!

Сўранг, жавоб берамиз!

Тadbirkorлик билан шуғулланиш мақсадида ўзин ясаётган манзил, яъни Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида масъулияти чекланган жамият очганимиз. Барча тартиб-қоидаларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилган корхонасиз солиқларни ҳам ўз вақтида тўлаб бораёти. Фаолиятимиз ўсимлик ва гиёҳларни йиғиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлгани учун вилоятларга тез-тез чиқиб тураемиз. Шундан келиб чиққан ҳолда, айтингчи, МЧЖ ҳуқуқий манзилни сақлаган ҳолда ижарага олинган жой (омбор, ер)да фаолият юритишга ҳақиқий БИРМИ?

Ш.Зиёев, «БИО МАХ СЕРВИС» МЧЖ раҳбари, Тошкент шаҳри.
Саволга «XXI asr» газетаси ҳуқуқшуноси Исмаилов Яманкулов жавоб беради: — Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, шунингдек, «Масъулияти чекланган жамиятлари тўғрисида»ги қонун, Солиқ кодекси ва бошқа амалдаги қонунчилик меъёрларига асосан, МЧЖ бошқа вилоятлар ҳудудидан ижарага олинган жой (омбор, ер)да фаолият юритиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолатда масъулияти чекланган жамият раҳбари фаолият юритишнинг маҳаллий ҳокимият ва давлат солиқ идораларини ёзма равишда огоҳлантириб қўйиш керак.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА БАНК АКТИВЛАРИ 907 МЛРД. СЎМГА ЕТДИ



Сифатли маҳсулотга харидор ҳамisha топилади

БУГУНГИ КУНДА ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА ТўЛА ЖАВОБ БERAДИГАН СИФАТЛИ ВА ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН МАМЛАКАТГИНА ЖАҲОН БОЗОРИДАГИ КУЧЛИ РАҚОБАТГА БАРДОШ БЕРИБ, ўЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА Бўлади

Йўлчи РўЗИЕВ, Навоий вилояти Синов ва сертификатлаштириш маркази бўлим бошлиғи

Чиндан ҳам шундай. Таъкидлаш жоизки, Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот — ИСОнинг сифат сертификатлари соҳиб бўлган ишлаб чиқарувчилар жаҳон бозорига бир қатор имтиёзларга эгадир.

Уларнинг рақобатбардор маҳсулотларига талаб охири бораётганлиги ҳам бежиз эмас. Шу боис, мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларида бозор муносабатларида асосланган тараққиёт йўли танланиб, халқ ҳўжалигини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Миллий иқтисодиётнинг муҳим негизи саналган аграр соҳани янги бошқича олиб чиқишга устувор аҳамият берилди. Амалга оширилган бундай ишлар самараси ўлароқ, истиқлолга четдан келтириладиган дон ҳисобига яшаган мамлакатимиз қисқа фурсатда галда мустақиллигига эришиши ва бора-бора нуфузли экспортчи давлатлар қаторидан жой олиши.

Кейинги йилларда «Стандартлаштириш тўғрисида», «Сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунларга асосан халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган харидоригр маҳсулот ишлаб чиқарган корхоналарни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга оид бир қатор имтиёзлар яратилганлиги ҳам таҳсинга лойиқдир. Энг муҳими, Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкор сифатидаги қудрати ва салоҳиятини жаҳон тан олди. Бунга ҳар йили Тош-

кент шаҳрида ўтказилган, жаҳондаги қирқдан ортиқ давлат вакиллари қатнашадиган Халқаро пахта ва тўқимачилик ярмаркаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Албатта, эришилаётган салмоқли ютуқлар замирида бунёдкор халқимизнинг фидокорона меҳнати, ўз юртига бўлган меҳр ва салоқати мужассамдир. Қолаверса, яратилган қулай инвестицион муҳит, тadbirkorлик ҳаракати учун кенг йўл очилганлиги ислоҳотларни чуқурлантиришида муҳим аҳамият касб этаётди.

Бунга вилоятимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, юқори экспорт салоҳиятига эга бўлган корхоналарда ИСО: 9001, ИСО: 22000 ва ИСО: 14000 стандартлари асосида Сифат менежменти тизимини жорий этишга жишли эътибор билан ёндашилмоқда. Янгиликнинг йўлга қўйилиши, биринчидан маҳсулот сифатини яхшилашга кизмат қилса, иккинчидан, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш, сотиш, таъкидлашга четдан келтириладиган дон ҳисобига яшаган мамлакатимиз қисқа фурсатда галда мустақиллигига эришиши ва бора-бора нуфузли экспортчи давлатлар қаторидан жой олиши.

ХАБАРЛАР

Кўргазмада кўрганларимизнинг ҳаммаси ўзимизники



Савдо-саноат палатасининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан қўшма корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектлари иштирокида савдо кўргазмаси ташкил этилди. Тadbirkor катнашчиларидан бири — Пахтаобод туманидаги «Пахтаобод сўт савдо» хусусий корхонасида кўнга 300 литр сўт қайта ишланиб, 9 турдаги маҳсулот тайёрланган. Корхона раҳбари Худойберди Урозоёвнинг таъкидлашича, сифатли маҳсулотларга нафақат Андижон, балки Наманган ва Фарғона вилоятларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Олтинқўл туманидаги «Шодмонбек» чинни буюмлари хусусий корхонасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳам хорижийдан қилишаслиги билан кўргазма иштирокчиларига манзур бўлди. — Бугун корхонамизда 12 нафар йиғит-қиз меҳнат қилипти, — дейди унинг раҳбари Нейматхон Юсупов. — «Обод турмуш йили»да яна 15 та янги иш ўрни яратиб, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқчимиз. Савдо кўргазмасида, шунингдек, спорт товарлари, трикотаж, пойабзал, озиқ-овқат, хунармандчилик ишланмаларидан иборат ҳам 200 турдаги маҳсулот намойиш этилди. Улар, ўз навбатида, маҳаллий бозорлардаги нарх-навоининг арзонлашувига кизмат қилияпти.

Ахроржон МУСУРМОНОВ.

«BUGATTE SHOES» ўзини оқлади



Булунгурлик Бахтиёр Файуллаев ўтган йили Хитойдан 380 минг АҚШ доллари қийматидаги янги технологиялар олиб келиб, ойига 25 минг донга чам пойабзал ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳам хорижийдан қилишаслиги билан кўргазма иштирокчиларига манзур бўлди. — Бунда 3 нафар хитойлик мутахассис яқиндан ёрдам бермоқда. Айтиш керакики, чармдан тайёрланган сифатли пойабзаллар аллақачон харидоригр бўлиб улгурди. Бунга корхона дўконларида маҳсулотга талаб ошаётганлиги ҳам кўриш мумкин.

Муҳаббат РАВШАНОВА.

Бир ойда — 20 тонна сочинг



Фарғона вилояти ҳокимлиги матбуот кизматидан хабар қилинишича, 55 нафар бувайдалик ёшлар меҳнат қилаётган «Нафиса-Вага-Тексти» корхонасида ҳар ой 15-20 тонна 5 хил ўлчамдаги сочинқлар ишлаб чиқаришмоқда. — Маҳсулотларимиз 100 фоиз пахтадан тайёрланади, — дейди МЧЖ масъул ходими Баҳодир Мансуров. — Эътиборлиси, яқинда россиялик ва қозғистонлик ҳамкорлардан қўшимча буюртма олдик. Шу боис, тўқув ва тикув цехларига янги дастгоҳлар ўрнатиб, маҳсулотлар сифати ва миқдорини оширишни режалаштиряемиз.

Ш.ХўҲАЕВ тайёрлади.

Энди умидимиз ёшлардан

2014 ЙИЛГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЙЎЛЛАНМАСИ УЧУН КУРАШГАН МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВ ШОГИРДЛАРИ САРАЛАШ БАҲСЛАРИНИНГ ПЛЕЙ-ОФФ БОСҚИЧИДА ИОРДАНИЯ ТЎСИҒИДАН ЎТА ОЛМАДИЛАР

Шухрат ХЎЖАЕВ,
«XXI ASR»



10 сентябрь оқшомида миллионлаб ишқибозларнинг диққат-эътибори айнан «Пахтакор» стадионига қаратилган эди. Зеро шу кунги галаба қозонган жамоа ўз тарихида илк бора жаҳон чемпионатининг қитъалараро плей-офф босқичида қатнашиш имконига эга бўлди.

Таъкидлаш жоиз: сафарда ўтказилган беллашувда 1:1 ҳисобдаги дуранг натижани қайд этган ҳамюртларимиз Тошкентда бўлиб ўтган жавоб уйини кутаринки рўҳда бошлади. Хусусан, олтинчи дақиқада Сервер Жепаровнинг жаримадан йўллаган зарбаси дарвозабон томонидан қайтарилган бўлса-да, унга биринчи етиб келган Анзур Исмоилов ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Биринчи бўлимнинг кейинги дақиқаларида футболчиларимиз кўплаб вазиятларни яратишга эришган бўлсалар-да, улардан унумли фойдалана олишмади. Ўз навбатида, шу кунги тартибли ўйин намойиш этган меҳмонлар санокти ҳужумлардан бирини голага айлантира олмади — чамаси 30-35 метрлардан Сайид Муржамон йўллаган тўп дарвозабоннинг ўнг бурчагига бориб тушди.

Иккинчи бўлимда ҳам, ундан кейинги «оқсари» таймларда ҳам майдонда устунлик қилган вакилларимиз қанчалик уринишмасин, рақиб дарвозасини ишғол қила олишмади. Уйиндан кейинги пенальтилар сериясида эса, афсуски, меҳмонларнинг қўли баланд келди...

Шу тариқа, бундан икки йил аввал терма жамоамиз учун «Пахтакор» стадионида бошланган, дастлабки натижаларга кўра ҳар галгидан-да омадлироқ келган «ЖЧ-2014» саралаш баҳслари (2011 йилнинг июлида футболчиларимиз Қирғизистон терма жамоасини 4:0 ҳисоб

посбони Мурод Зухуровни қўйишга қарор қилди. Тошкентдаги учрашувда ҳужум чизигига Игорь Сергеев ёки Иван Нагаев сингари ёшларни эмас, Аммондаги ўйинда ўзини кўрсата олмаган Баҳодир Насимовга ишониб топшириди. Қолаверса, ушбу мағлубиятда ЎФФ, хусусан, Терма жамоалар марказининг ҳам айби бор, десак адашмаймиз. Чунончи, сўнгги расмий ўйинни 18 июнда Қатар терма жамоасига қарши ўтказган вакилларимиз учун, афсуски, марказ томонидан биронта ҳам ўртоқлик учрашуви ташкил этиб берилмади. Терма жамоамизни жуда яхши ўрганиб чиққан иорданияликлар эса ана шу вақт оралиғида бир нечта ўртам-ёна рақибларга қарши ўртоқлик ва расмий ўйинларда майдонга тушишга улгурдилар.

Нима бўлганида ҳам, ЖЧ-2014» саралаш баҳслари доирасида имкон қадаер яхши натижаларни қўлга киритиб, шу орқали мухлисларни хушнуд этишга ҳаракат қилган футболчиларимизга миннатдорлик билдириб қоламиз.

Ишончимиз комилки, ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида кучлилар сафидан ўрин олган умидли футболчиларимиз яқин келажақда катта мундиалларда ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар.



Солдан ўнггача: ота-она билан болалар

Озод юртнинг обод оиласи

— Ҳаётнинг машаққатли сўмоқлари кўп, — дейди пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Навбахор» маҳалласида истикомат қилувчи Исмаилов ака Собиров. — Танлаган соҳасида ҳалол хизмат қилиб, қийинчиликлари бардош билан енга олган кишигина ўз мақсадларига эришади, эл-юрт хурматига сазовор бўлади. Мен бунга ўз тақдирим мисолида кўриб турибман.

Айниқса, оиладаги меҳр-оқибатни ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди. Зеро кўт-барака асосан аҳиллик ва тотувликдандир. Чиндан ҳам Собировлар оиласида ўзига хос аъёнлар шаклланиб, десак хато бўлмайди. Ўзбекистон Миллий университетининг математика факультетини тугатган Исмаилов ака кўп йиллар давомида республика Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси институтини муҳандис, катта муҳандис, бўлим бошлиғи вазифаларида меҳнат қилди, кейинчалик хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланди. Мана, беш йилдирки, «Аҳил коммуналчи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати бошқаруви раисидир.

Турмуш ўртоғи Салима опа эса Тошкент давлат педагогика университетининг биология факультетини тугатган. 34 йил давомида ўрта мактабда ўқитувчилик қилди. Улар уч киз, бир ўғилни тарбиялаб, вояга етказишди. Қизларнинг барчаси шифокорлик касбини танлаган. Алоқа коллежини тугатган Азизжон ҳам келажақда етук мутахассис бўлиш устида изланаяпти. Икки нафар шириндан-шаклар невараси эса оиланинг энг катта қувончидир.

Реклама

«NAVOIYAZOT»
OCHIQ AKSIYADORLIK JAMIYATI

*Полиакрилонитрил ип
текс 200/2*

www.navoiyazot.uz

СОТУВ БЎЛИМИ:
(+99879) 229-23-04, 229-25-34,
e-mail: sale@navoiyazot.uz

Тошкент шаҳридаги савдо дўконидан харид қилиш учун қуйидаги телефон рақамига мурожаат қилинг:
(+99890) 954-74-19

Махсулот сертификатланган



Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 12-17 сентябрь кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ҳафтанинг дам олиш кунлари баъзи жойларда вақти-вақти билан ёмғир ёиши кутилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида шомол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсиб, 12 сентябрда 15-20 м/сгача кучайиши мумкин. Ҳарорат кечаси 10-15 даража илж, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида Ҳарорат кечаси 12-17, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида шарқдан эсаётган шомол йўналишини ўзгартириб, ғарбдан 7-12 м/с тезликда эсиб, 12-13 сентябрь кунлари унинг тезлиги 15-20 м/сгача кучайиши мумкин. Ҳарорат кечаси 15-20, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади. Республикаимизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси 12-17, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлишини кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда Ҳарорат кечаси 12-17, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда Ҳарорат кечаси 8-13 даража илж, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

Сўранг,
жавоб берамиз!

РАДАР ЯРОҚСИЗ ҲИСОБЛАНАДИ

Транспорт воситалари тезлигини ўлчаш воситаси (радар)нинг тамга (пломба) қўйиш жойи мавжуд бўлса-ю, ишлаб чиқарувчи ёки давлат қисловчидан ўтганлигини тасдиқловчи тамғаси бўлмаса, ундан амалда фойдаланиш мумкинми?

М.Мавлонов,
Тошкент шаҳри.

— Ўлчаш воситаларини қисловчининг ижобий натижалари радарнинг меъёрий ва техник ҳужжатларида кўрсатилган талаб бўйича тамгаланади ва қисловдан ўтганлик тўғрисидаги сертификат берилади. Қисловш тамғасининг бўлиши (ёки йўқлиги) амалдаги метрология нормалари ва қондаларига зид бўлиб, бундай радардан фойдаланиш мумкин эмас. Шунингдек, ушбу ўлчаш воситаси тамгирандан сўнг ҳам навбатдан ташқари қисловдан ўтказилиши лозим.

Саволга Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти мутахассиси Ғайрат ҲОЗИЕВ жавоб берди.

ЮАНЬ РУБДАН ҲАТТИ

Хитой юани ўз тарихида биринчи марта энг кўп савдо қилинадиган жаҳон валюталарининг кучли ўнгалигидан жой олди.

The Wall Street Journal наشري хабарига кўра, кейинги уч йил мобайнида юань билан савдо қилиш уч барабарга ортиб, 2013 йилда ушбу кўрсаткич кунига 120 миллиард АҚШ долларига етган ва ХХР миллий валютаси Халқаро ҳисоб-китоб банки (BIS) рейтингига 2010 йилдаги 17-ўриндан 9-ўринга кўтарилган.

Рўйхатнинг дастлабки уч поғонасини 2001 йилдан буюн пешқадамликни бой бермай келаётган АҚШ доллари, евро ва япон иенаси банд этиб турибди. Унталикка, шунингдек, 1998 йилда кучлилар сафидан чиқиб кетган Мексика песоси ҳам қайтган. Бундан уч йил аввал 16-ўринни банд этган Россия рубли эса 12-поғонага кўтарилган.

Реклама

LADA БИЗНЕС

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.

ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.

ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.

ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

Автомобили VAZ

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

VAZ Patriot (comfort) — пикап

Полноприводный (4x4)

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар «TOGLAR» МЧЖнинг Тошкентдаги емборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
- Асфальтовоз
- Подъемник БЛ-09
- «Беларусь» ГИТЗ-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части и тракторам «Беларусь»
- Шины различных моделей

Махсулот сертификатланган

Т.: (+99871) 252-16-29, 255-09-55.
e-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz